

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 9390 тани ташкил қилиб, шундан 9054 таси ёки 96,4 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 1900 та (20,2 фоизи), саноат 1496 (15,9 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 925 та (9,8 фоизи) ва қурилиш 831 та (8,9 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	9390	100,0	9054	100,0
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	925	9,9	905	10,0
саноат	1496	15,9	1436	15,9
қурилиш	831	8,9	800	8,8
савдо	1900	20,2	1824	20,1
ташиш ва сақлаш	351	3,7	340	3,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	646	6,9	619	6,8
ахборот ва алоқа	127	1,4	121	1,3
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	333	3,5	332	3,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	2781	29,6	2677	29,6

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 51,9 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,9 фоизи хусусий корхоналар, 0,4 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 18,8 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-мартда жами 563 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан фермер ва деҳқон хўжаликларисиз кичик бизнес субъектлари – 405 та). Уларнинг асосий қисми Кармана (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг) (20,4 фоизи), Навоий шаҳар (19,9 фоизи), Навбахор 16,7 фоизи), Хатирчи (16,5 фоизи), Қизилтепа (11,4 фоизи) ва Нурота (6,6 фоизи) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 42,6 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 17,1 фоизи саноат ва 15,5 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади. Шунингдек, ҳисобот даврида 115 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган.

